O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 30 октябрь, № 211 (4621) Пайшанба


# МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ САМАРАСИ

***Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимиз иқтисодиёти тобора янги поғоналарга кўтарилмоқда. Юртимизнинг барча ҳудудларида кўплаб йирик ишлаб чиқариш объектлари ишга туширилиб, мавжуд корхоналар техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозланаяпти. Бунинг натижасида хорижникидан асло қолишмайдиган, юқори сифатли маҳсулотлар тайёрланаяпти.***





**Изланиш**

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Foton» очиқ акциядорлик жамияти мамлакатимиздаги электрон-техника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи йирик корхоналардан биридир. Бу ерда тайёрланаётган ярим ўтказгичларга, радиотехника ускуналарида қўлланиладиган интеграл микросхемаларга нафақат юртимизда, балки Ҳамдўстлик давлатларида ҳам талаб ниҳоятда катта.

Шу боис бундай маҳсулотларнинг асосий қисми чет мамлакатларга сотилаяпти. Натижада жорий йилнинг ўтган тўққиз ойида экспорт ҳажми 2007 йилнинг шу давридагига нисбатан 120 фоизга ўсди.

Корхонада кейинги йилларда Маҳаллийлаштириш дастури доирасида импорт ўрнини босувчи кўплаб маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилди. Маиший лампалар – шулардан бири. У юқори сифати, энг муҳими, тежамкорлиги билан истеъмолчиларга маъқул келмоқда. Яъни электр энергиясини турдошларига қараганда 5-6 марта кам сарфлайди. Шунингдек, бир неча русумдаги назорат-касса машиналари қулайлиги ва ишончлилиги туфайли Давлат солиқ қўмитаси томонидан фойдаланишга тавсия этилган.

(Давоми 2-бетда).

## Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Абдуғаниевич Каримовга

Ассалому алайкум, муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сизнинг буюк саховатингиз ва ғамхўрлик билан менга йўллаган мактубингиз саксон йиллик умримнинг энг масъуд дамларида етиб келганлиги учун тақдирга шукрона айтаман. Алоҳида инсон тақдири тарих яратувчи улкан сиймолар фаолияти билан нақадар боғлиқ эканини Сиз Ўзбекистонимизнинг Бош раҳбари бўлиб майдонга чиққанингиздан буён дил-дилдан ҳис қилиб келаман.

Мустабид тузум даврида бизни иккинчи даражали инсонлар деб камситишларга қарши Абдулла Қодирий ва Чўлпон қаламни қурол қилиб, Отабек, Анвар, Кумуш, Раъно, Зеби каби ажойиб қаҳрамонларни яратдилар. Аслида бундай жозибали инсонлар ҳар бир халқда бор.

Мен ҳам шуни ҳисобга олиб, халқимиз орасидан етишиб чиққан маънавий етук ва гўзал шахсларни қисса ва романларнинг бош қаҳрамонлари қилиб тасвирлашга интилдим. Бу китобларда миллий туйғуни уйғотадиган муаммолар кўтарилгани мустабид тузум мафкурачиларига ёқмас эди. Бунинг устига, Бобур Мирзо ва Акбаршоҳ дилбар шахслар қиёфасида тасвирланган романлар ёзилди. Бу романлардан бири олти йилгача йўли тўсилиб, босилмай ётди. Иккинчиси яна уч йил тақиқ остида тўхтатиб қўйилди, босмахонада нашрга тайёрлаб қўйилган бу асарларнинг ҳарфлари икки марта сочиб ташланди.

Қадрли Ислом Абдуғаниевич, Сиз Йўлбошчиси бўлган истиқлолнинг ғалабаси мени бу оғир аҳволдан қутқарди. Салкам ўн йил тақиқ остида қолган ушбу романлар мустақиллик йилларида уч мартадан қайта нашр этилди. Шунинг ўзи бугун нишонланаётган саксон йиллик умрнинг энг самарали, қутлуғ йиллари истиқлол даврига тўғри келганини яққол кўрсатади.

Муҳтарам Ислом Абдуғаниевич!

Сиз қанчалик банд бўлишингизга қарамай менинг камтарона роман ва қиссаларимни ўқиб чиққанингиз, уларга заршунослик нигоҳи билан қараб, теран маъноли фикрлар билдирганингиз учун чин қалбимдан миннатдорлик билдираман.

Сизнинг "Юксак маънавият — енгилмас куч" номли янги китобингиз маънавий ҳаётимизда унутилмас воқеа бўлиб, бу асарда миллий маданиятимизнинг бой тарихи, бугунги ривожи ва порлоқ истиқболи ёркин тафаккур ёрдамида жуда теран таҳлил этилгандир. Адабиётимиз шу буюк маънавият хазинасининг марказий қисмидан ўрин олганлигини Сиз улуғ адибимиз Чўлпоннинг "Адабиёт яшаса, миллат яшайдир" деган сўзлари мисолида яққол кўрсатиб бергансиз. Мен эллик йилдан буён бу доно сўзларни дилимда такрорлаб баҳра оламан. Бугун адабиётимизга Сизнинг шунчалик катта ғамхўрлик кўрсатаётганингиз бизни юксак ижодий камолотга ундайди. Бошқа адиблар қатори мен ҳам бутун умримни, бор куч ва қобилиятимни миллий маънавиятимиз ва унинг узвий қисми бўлган адабиётимизни юксалтиришга сарф этаман.

Сизга теран эҳтиром билан

**Пиримқул ҚОДИРОВ**

2008 йил, 27 октябрь,
Тошкент шаҳри

***Вилоятлар фаолларининг 2008 йилнинг тўққиз ойида ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва Президентимизнинг шу йил 8 февралда Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида белгилаб берилган иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг устувор йўналишлари бўйича келгусидаги вазифаларга бағишланган йиғилишлари бўлиб ўтмоқда.***

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

**Бухоро**

Вилоят ҳокими С. Ҳусенов бошқарган йиғилишда ҳисобот даврида ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми 3,6 фоиз кўпайганлиги қайд этилди. Айни пайтда саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришда 4,1, чакана савдода 14,6, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида 22,9, экспортда 23,2 фоиз ўсишга эришилган. Иқтисодиёт соҳаларига 408,9 миллиард сўмлик миқдорда инвестиция ҳамда тижорат банкларининг 152,8 миллиард сўмлик кредити жалб этилди. 43 минг 700 дан зиёд янги иш ўрни яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва ҳукумат қарорлари асосида қабул қилинган мақсадли дастурлар доирасида 10 корхонада модернизация ишлари ниҳоясига етказилди. Уларда ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланиш даражаси 70 фоизга кўтарилди. Соғломлаштириш дастурида белгиланган тадбирлар натижасида 34 иқтисодий ночор корхонанинг фаолияти барқарорлашди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, касаначилик, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасидаги ишлар изчил давом эттирилди. Хусусий секторнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 54,3 фоизга етди.

Йиғилишда йўл қўйилган камчиликлар, ечимини кутаётган муаммолар таҳлилига жиддий эътибор қаратилди. Ижтимоий-иқтисодий соҳада муайян ютуқларга эришилган бўлса-да, ялпи ҳудудий маҳсулот ҳажми белгиланган прогнозга нисбатан бирмунча кам бўлди. Бу саноат, қишлоқ хўжалиги ва қурилиш соҳаларида самарадорликнинг пастлиги билан боғлиқ.

Шунингдек, тижорат банкларининг инвестиция сиёсатидаги иштироки талаб даражасида эмас. Ўтган тўққиз ойда Бухоро, Вобкент, Пешку, Қоракўл туманларида тўғридан-тўғри инвестиция жалб қилинмади.

Йиғилишда қишлоқ хўжалигини, касаначиликни ривожлантириш, куз-қиш мавсумида иқтисодиёт тармоқлари, ижтимоий соҳа объектлари ва уй-жой фонди барқарор фаолият кўрсатиши учун тайёргарлик ишларини ниҳоясига етказиш, электр энергияси, газ ва иссиқлик энергия таъминоти масалалари чуқур таҳлил этилиб, мутасадди раҳбарлар зиммасига аниқ вазифалар юкланди.

Бухоро вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э. Шоисматов сўзга чиқди.

**Самарқанд**

Вилоят ҳокими Ў. Барноев бошқарган йиғилишда ялпи ҳудудий маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 7,1 фоизга, жумладан, саноатда 26,9, қишлоқ хўжалигида 2,2, қурилишда 16,5 фоиз ўсишга эришилгани қайд этилди. Чакана савдо айланмаси 12,2, пуллик хизматлар ҳажми 15,9 фоиз кўпайди.

Вилоят корхоналарида экспорт ҳажми ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 52,9 фоизга ортди. Янги лойиҳаларни молиялаштириш, мавжуд қувватларни модернизациялаш ва технологик қайта жиҳозлаш туфайли 17 янги саноат корхонаси ишга туширилди, 26 корхонада ишлаб чиқариш қувватлари кенгайтирилди. Натижада вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотида саноат улуши 12,2 фоизни ташкил этди.Ҳисобот даврида 1049 янги иш ўрни яратилди.

(Давоми 2-бетда).

# БОЛАЛАРГА ЭЪТИБОР — КЕЛАЖАК ҲАҚИДА ҒАМХЎРЛИКДИР

***Пойтахтимизда "Инклюзив таълим ва болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлашни ривожлантиришнинг замонавий йўналишлари" мавзуидаги халқаро форум ниҳоясига етди. Унинг якунлари бўйича ўсиб келаётган ёш авлод ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасини янада такомиллаштиришга қаратилган тавсиялар қабул қилинди.***

**Халқаро форум**

Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази, «Sen yolg`iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, шунингдек, ЮНИСЕФ, ЮНЕСКО ва БМТ Ривожланиш дастурининг мамлакатимиздаги ваколатхоналари билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу форумда мамлакатимизнинг ушбу соҳада фаолият кўрсатаётган мутахассислари, Буюк Британия, Россия, Украина ва Франциядан ташриф буюрган экспертлар иштирок этди.

Форум иштирокчилари мамлакатимизда болаликни ҳимоя қилиш бўйича амалга оширилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг барча жиҳатлари билан танишдилар. Ўзбекистонда ўсиб келаётган ёш авлоднинг баркамол ривожланиши учун қулай шарт-шароит яратиш, жумладан, уларнинг сифатли таълим ва тиббий ёрдам олишини таъминлаш, ювенал адлияни мустаҳкамлаш орқали ҳуқуқ ҳамда имкониятларини кенгайтириш устувор вазифалардан бири экани таъкидланди. Юртбошимиз ташаббуси билан бу борада тегишли давлат дастурлари рўёбга чиқарилмоқда, ушбу соҳада миллий манфаатлар ҳамда халқаро меъёрларга жавоб берадиган қатор қонунлар қабул қилинди. Тақдир тақозоси билан ота-онаси тарбиясидан маҳрум бўлган ва ҳаётда мушкул аҳволга тушиб қолган болаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Васийлик ва ҳомийлик тизими ривожланмоқда, оила шаклидаги болалар уйлари тармоғини кенгайтириш чоралари кўрилмоқда. Бундан кўзланган мақсад ҳар бир бола оилавий шароитда тарбия топиб, ривожланиши, шахс сифатида шаклланиши учун зарур фазилат ва кўникмаларга эга бўлишига ёрдам беришдан иборат. Имконияти чекланган болаларнинг жамият ҳаётига фаол қўшилишини таъминлаш, шу мақсадда инклюзив таълим амалиётини кенгайтиришга катта эътибор қаратилмоқда.

Тадбирда инклюзив таълим болаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш шаклларидан бири экани таъкидланди. Мамлакатимизда ушбу таълимни ривожлантириш учун тегишли вазирлик ва идоралар ҳамда болалик муаммолари билан шуғулланадиган жамоат ташкилотларининг ўзаро ҳамжиҳатлиги йўлга қўйилди, бу борадаги меъёрий-ҳуқуқий база такомиллаштирилмоқда. Турли тоифадаги болаларнинг алоҳида эҳтиёжларини ҳисобга олган ҳолда индивидуал таълим дастурлари ишлаб чиқилмоқда. Бундай болаларга хизмат кўрсатиш турлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоат бирлашмаларининг ота-оналар иштирокидаги ижтимоий ҳамкорлиги кенгайтирилмоқда. Мамлакатимиз ва хорижда тўпланган энг илғор тажрибалар асосида ижтимоий ходимларни тайёрлаш ҳамда малакасини ошириш сифати яхшиланмоқда. Форумда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Ғ. Шоумаров, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирининг ўринбосари Б. Алимуҳамедов, Республика болалар ижтимоий мослашуви маркази директори Т.Норбоева, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтининг гуруҳ раҳбари Б.Исмоилов ва бошқалар шу ҳақда гапирди.

Буюк Британия Болалар ҳуқуқи маркази эксперти Рейчел Харвининг фикрича, 1992 йилдаёқ БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилган Ўзбекистонда болалар ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча зарур ҳуқуқий, маъмурий ва амалий чоралар кўрилмоқда. Жорий йилда «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонун ва ушбу жараённи ривожлантиришга хизмат қиладиган бошқа қонун ҳужжатларининг қабул қилиниши бу борадаги янги босқич бўлди.

Мамлакатимиз ва хорижий давлатлардан келган мутахассислар ўзаро тажриба алмашар эканлар, айни пайтда ишлаб чиқилаётган Болалар ижтимоий фаровонлиги бўйича миллий ҳаракат дастури ва бу борадаги тегишли стратегия юртимизда яратилган ёш авлодни ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимининг мукаммал ҳамда комплекс механизмини шакллантиришга кўмаклашишини таъкидладилар.

**А. ИВАНОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МАҚСАД – ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ

***Маҳсулот харид қилганимизда, унинг бир четидаги кичик ёрлиқ, яъни штрих кодига унчалик эътибор беравермаймиз. Аслида у товарнинг ички ва ташқи бозорда рақобатбардошлигини таъминлаш, автоматлаштирилган ҳисобни юритиш, энг муҳими, истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишга қаратилгандир. Чунки ундаги рақамларга қараб, маҳсулот ким томонидан, қаерда ишлаб чиқарилгани ҳақида тўлиқ маълумотни билиб олиш мумкин.***

**Анжуман**

Мамлакатимизда товарларни рақамлаштиришнинг дунёда тан олинган GS1 халқаро тизими жорий қилинган. Мана, 10 йилдирки, республикамизда мазкур тизим халқаро қоидалар талабига кўра, "GS1 Uzbekiston" уюшмаси томонидан амалга ошириб келинмоқда.

Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси кўмагида ташкил этилган ушбу миллий автоматик идентификатлаштириш идораси GS1 халқаро уюшмасига аъзо бўлиб киргач, Ўзбекистон Республикасига "478" халқаро префикси берилди. Демак, штрих кодининг дастлабки рақамларида мазкур сонлар бўлса, билингки, у ўзимизда ишлаб чиқарилган.

Ўтган давр мобайнида уюшмага мингдан ортиқ тадбиркорлик субъектлари аъзо бўлди. Уларнинг ҳар бирига дунёнинг 160 дан зиёд давлатларининг 1 миллиондан кўп корхонаси эга бўлган ягона идентификацион рақам берилди. Бу юртимиз ишбилармонларининг халқаро бозорда мавқеи янада ошганлиги, маҳсулотларининг эса рақобатбардошлигидан далолатдир.

Кеча Тошкентда уюшма фаолиятининг 10 йиллигига бағишлаб ўтказилган анжуманда соҳада эришилган муваффақиятлар мустақиллик йилларида юртимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилаётган алоҳида эътибор ва ғамхўрликнинг маҳсули эканлиги таъкидланди. Тадбир иштирокчиларига уюшма томонидан ўтган давр мобайнида амалга оширилган

(Давоми 2-бетда).

# ИНВЕСТИЦИЯ — ИҚТИСОДИЁТ ЛОКОМОТИВИ

**Бир рақам шарҳи**



**2008** йилнинг тўққиз ойи мобайнида республикамизда ўзлаштирилган инвестицияларнинг **22,4** фоизга ўсиши таъминланди.

Қулай инвестиция муҳити ва Инвестиция, Маҳаллийлаштириш, иқтисодиётнинг энг муҳим тармоқларини модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан қайта жиҳозлаш дастурларининг изчил амалга оширилиши туфайли шундай юқори натижага эришилди.

***Истиқлол йилларида меҳнат муносабатларини тартибга соладиган конституциявий нормаларни ҳаётга татбиқ этиш борасида жиддий ижобий ўзгаришлар рўй берди. Бу мамлакатимиз иқтисодиётида глобаллашув жараёнларининг кечиши ҳамда меҳнат бозорининг кенгайиши билан бевосита боғлиқ.***




# АДОЛАТЛИ МЕҲНАТ ШАРОИТИ

Хусусий секторнинг юзага келиши ва жадал ривожланиши, бир томондан, аҳоли бандлигини таъминласа, иккинчи томондан, меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги талабларига риоя қилинмайдиган турли меҳнат шартномалари тузилиши каби ҳолатларнинг рўй беришига ҳам сабаб бўлади. Бу, ўз навбатида, мамлакатимизда ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига нисбатан етказилган зарар учун иш берувчининг жавобгарлигини тартибга солишга қаратилган ҳуқуқий механизмни янада такомиллаштиришга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш, ходимларнинг меҳнатга доир ҳуқуқлари суд орқали самарали ҳимоя қилинишини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларини такомиллаштиришнинг долзарб аҳамият касб этаётганидан далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 37-моддасида ҳар бир шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи билан бирга, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ҳуқуқлари кафолатланган. Бу фуқароларни ишлаб чиқаришдаги турли хавф-хатарлардан муҳофаза этишда муҳим конституциявий норма ҳисобланади. Ходимларнинг хавфсиз, қулай шароитларда меҳнат қилишлари, энг аввало, иш берувчилар томонидан бу борада етарлича шарт-шароитларнинг яратиб берилиши, ходимларни хавф-хатарсиз меҳнат қилиш усулларига ўргатиш, меҳнат муҳофазаси, хавфсизлик техникаси қоида ва меъёрлари бўйича сабоқ бериш, тушунтириш ва тегишли тарғибот ишларини олиб бориш орқали таъминланади. Зеро, ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғини асраш ва муҳофаза этиш етарли техника хавфсизлигини таъминлаш, ижтимоий-гигиеник ва экологик шарт-шароитларни яратиш масъулияти қонун ҳужжатлари билан иш берувчиларнинг зиммасига юклатилади. Умуман, истиқлол йилларида фуқароларнинг меҳнат қилиш ҳуқуқини ҳимоялаш, уларга қулай меҳнат шароитларини яратиш борасида бир қатор қонун ва қонуности ҳужжатлари қабул қилинди. Чунончи, яқинда қабул қилинган "Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни бу борада мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Ушбу ҳужжатга мувофиқ, меҳнат ходимларини ижтимоий ҳимоялашнинг янги тизими жорий этилмоқда.

Лекин шундай бўлса-да, хавфсизлик техникаси қоидаларининг бузилиши оқибатида иш берувчи билан меҳнат муносабатлари асосида ишлаётган ходимларнинг ҳаёти ва соғлиғига жиддий зарар етказилиш ҳолатлари учраб турибди. Бу каби бахтсиз ҳодисалар сабаблари таҳлил қилинганда, ушбу ҳолатлар асосан корхона раҳбарлари, мутахассислари ҳамда ходимларнинг меҳнатни муҳофаза қилиш ва техника хавфсизлиги талабларини билмасликлари, бу соҳада етарли билим ва савияга эга эмасликлари, иш жойларида жароҳатларнинг олдини олиш бўйича тарғибот-ташвиқот ишлари тўлиқ амалга оширилмаётганлиги оқибатида содир бўлаётгани аниқланган. Бу эса иш берувчиларнинг адолатли меҳнат шароитларини таъминлаш вазифасига совуққонлигини кўрсатиши билан бирга, ходимнинг адолатли меҳнат шароитида ишлаш каби конституциявий ҳуқуқининг поймол бўлишига шароит яратмоқда.

**▼ Менинг Конституциям**

Биргина мисол. Давлат меҳнат техника инспекцияси ходимлари томонидан 2004 йилда мамлакатимиз қурилиш саноатига қарашли корхона ва ташкилотларнинг 80 тасида, 2005 йилда 30 тасида меҳнатни муҳофаза қилиш ишлари устидан ўрганиш ишлари олиб борилган. Таҳлил натижалари бозор иқтисодиёти жараёнида қурилишда меҳнатни муҳофаза қилиш ишларига эътиборнинг бироз сусайганлиги, баъзи бир қурилиш лойиҳаларида умуман хавфсизлик техникаси бўлими мавжуд эмаслиги, қурилиш объектларида инсон ҳаёти ва соғлиғига хавф туғдираётган жойлар ҳимоя тўсиқлари билан таъминланмаганлиги, ички меҳнат интизоми яхши эмаслиги, махсус иш кийими, шахсий ҳимоя воситалари берилмаслиги ва шунга ўхшаш меҳнат муҳофазасига тааллуқли камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти шароитида мулкчиликнинг турли шакллари юзага келди. Хусусан, кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаракатининг республика иқтисодиётидаги улуши кескин кўпайди. Бунда, албатта, 1998 йил 30 апрелда қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни муҳим аҳамиятга эга. Қолаверса, ушбу Қонунга мувофиқ ҳамда қишлоқ хўжалигидаги иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш мақсадида 2003 йил 27 октябрда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида"ги Фармони қабул қилингани соҳанинг янада тараққий этишига замин яратди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикасининг "Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонуни ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексидаги нормалар фермер хўжаликларида меҳнат қилаётган ходимлар учун ҳам татбиқ этилади. Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-қарори билан тасдиқланган "Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари"нинг 1-бандида ҳам мазкур қоидаларнинг амал қилиши, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ёлланма меҳнатдан фойдаланаётган юридик шахсларга, юридик шахс бўлмасдан фаолият юритаётган деҳқон хўжаликларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат шартномаси бўйича ишлаган ёки ишлаётган ҳамда меҳнат жароҳати олган ходимларга жорий этилиши белгиланган. Қолаверса, Ўзбекистон Республикасининг "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги Қонуни 17-моддасига кўра, ўз ходимлари учун хавфсиз меҳнат шароитларини таъминлаш фермер хўжалигининг мажбуриятлари сифатида белгиланган. Шундай экан, фермер хўжаликларида ҳам меҳнат шароитлари қонун талабларига мувофиқ бўлиши, ходимларга меҳнат хавфсизлиги бўйича тушунтиришлар бериши, баъзи ишларни бажаришнинг хавфсиз усулларини ўргатиши, меҳнатда жароҳатланиш, касб касалликларининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиши зарур. Санитария-гигиенага оид шароитларни, технологик жараёнлар, дастгоҳ, жиҳоз, машина-механизмларни техник соз ҳолда бўлишини таъминлаш каби ўта муҳим вазифаларни бажариш лозимлиги талаб этилади. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, фермер хўжалигида ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларнинг, фуқароларнинг ногирон бўлиб қолиши ёки бевақт ҳаётдан кўз юмишининг олдини олишда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Дарҳақиқат, адолатли ёки хавфсиз меҳнат шароити нафақат жамият ва давлатнинг бугуни, балки келажагининг самарали ривожланишига ҳисса қўшувчи ходимлар меҳнатининг кафолатли ҳимоясини таъминлашнинг муҳим омилидир. Зеро, бу мамлакатимиз Асосий Қонуни — Конституцияда белгиланган асосий тамойилдир.

**М. МАМАСИДДИҚОВ,**
**Н. МУХТОРОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти илмий ходимлари.**

**▼ Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари**

# САМАРАЛИ БОШҚАРУВ ТИЗИМИ

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг шу йил 30 сентябрдаги қарорига мувофиқ ўтказиладиган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига Самарқанд вилоятида ҳам қизғин ҳозирлик кўрилмоқда.***

Сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи комиссиялар ва ишчи гуруҳлари томонидан жойларда учрашувлар ўтказилиб, сайловнинг аҳамияти, тартиб-қоидалари ҳақида аҳолига тушунчалар берилмоқда.

Шундай тадбирлардан бири Каттақўрғон педагогика коллежида бўлиб ўтди. Унда Каттақўрғон шаҳри ва тумани, Пахтачи ва Нарпай туманлари сайловга кўмаклашувчи комиссиялари ва ишчи гуруҳлари аъзолари, жамоатчилик вакиллари ва маҳалла фаоллари иштирок этди.

Учрашувда сўзга чиққан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси М. Ражабова, Сенат аъзоси Ҳ. Шодиева ва бошқалар ўзини ўзи бошқариш тизимининг аҳамияти ва афзалликлари хусусида сўз юритдилар.

Бошқарувнинг мазкур институти жамиятда одамлар ўртасида меҳр-оқибатни мустаҳкамлаш, азалий қадрият ва анъаналарни сақлаш ва ривожлантириш, аҳоли манфаатларини таъминлашга хизмат қилади. Шу боис фуқаролар йиғини раиси ва унинг маслаҳатчилари вазифаларига ана шу ишларни бажаришга салоҳияти етадиган, халқ орасида обрў-эътиборга эга кишиларни сайлаш лозим.

Тадбирда «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун ва бошқа меъёрий ҳужжатларнинг мазмун-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Хотин-қизлар қўмитаси раиси Ф. Акбарова иштирок этди.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ГУЗАРДАГИ МУЛОҚОТ

***Жиззах шаҳридаги "Зилол" маҳалласида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ўтказишга бағишланган кўргазмали семинар бўлди.***

Унда сайловни ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи шаҳар ва туман комиссиялари раислари, ишчи гуруҳлари раҳбарлари ҳамда аъзолари, корхона-ташкилотлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди. Тадбирда фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўриш ҳамда сайловни ўтказишни амалдаги қонун ҳужжатларига, очиқ ва ошкоралик принципларига тўла амал қилган ҳолда уюштиришга ҳозирлик кўриш "Олмазор", "Зилол" маҳаллалари фаолияти мисолида кўриб чиқилди.

Мазкур маҳаллаларда фуқаролар йиғини ҳақидаги барча маълумотлар кўринарли жойга ёзиб қўйилган. Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича ишчи гуруҳларига хонадонлар, кўп қаватли уйлар, кўчалар, мавзелар ва даҳалар бириктирилган. Ишчи гуруҳининг ҳар бир аъзоси ўз зиммасидаги вазифадан тўла хабардор.

Сайловга тайёргарликнинг бориши, сайлов якунлари ҳақида фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга кўмаклашувчи вилоят комиссиясига ахборотлар тақдим этиш шакли, муддатлари ҳақида кўрсатмалар, қарор ва баённомалар намуналари стенд қилиб осиб қўйилганлиги тадбир иштирокчиларига анча қулайлик туғдирди.

Кўргазмали семинар қатнашчилари "Олмазор" маҳалла фуқаролар йиғини гузарида давра суҳбати уюштирдилар.

**Б. САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ДОЛЗАРБ ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида тўққизта саноат корхонасида 25 лойиҳа амалга оширилди. 10,5 млрд. сўмлик маҳсулотнинг шу ерда ишлаб чиқарилиши натижасида 13,5 млн. АҚШ доллари миқдорида чет эл валютаси тежаб қолинди. Шунингдек, 3,6 млн. АҚШ доллари миқдорида тайёр маҳсулот экспорт қилинди.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги чора-тадбирлар туфайли рўйхатга олинган субъектлар умумий сони 38832 тага етди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик секторининг вилоят ялпи ҳудудий маҳсулотидаги улуши 67,8 фоизни ташкил этди.

Хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини ривожлантириш дастурининг изчил амалга оширилиши туфайли ҳисобот даврида бу борадаги режа 137,3 фоизга бажарилди. Аҳолига хизмат кўрсатиш бўйича 270 шахобча ишга туширилди.

Ўтган давр мобайнида 16 касб-ҳунар коллежи, олтита умумтаълим мактаби фойдаланишга топширилди. 69 мактабда капитал реконструкция, 43 мактабда капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилди.

Йиғилишда йўл қўйилган хато ва камчиликларга жиддий эътибор қаратилди. Хусусан, Жомбой ва Пахтачи туманларида саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ўсиш суръати таъминланмагани, олтита корхонада ишлаб чиқариш ҳажмининг кескин камайишига йўл қўйилгани танқид қилинди. Шунингдек, рўйхатга олинган саноат корхоналарининг 80 фоизи фаолият кўрсатмоқда, холос. Қўшработ, Нуробод ва Иштихон туманларида хорижий инвестицияларни жалб қилишга етарли даражада эътибор берилмаяпти.

2008-2012 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастурининг бажарилиши, иқтисодиёт тармоқлари, уй-жой фонди, ижтимоий соҳа объектлари ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини куз-қиш даврига тайёрлаш, мева-сабзавот маҳсулотлари захирасини яратиш бўйича олиб борилаётган ишлар атрофлича таҳлил қилиниб, бу борадаги долзарб вазифалар белгилаб олинди.

Самарқанд вилояти фаоллари йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розиқулов сўзга чиқди.

**(ЎзА).**



# МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШ САМАРАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Жамоа мутахассисларининг изланишлари натижасида қуёш энергиясидан фойдаланувчи ускуналарнинг ишлаб чиқарилаётгани, айниқса, тармоқда чинакам янгилик бўлди, дейиш мумкин. Негаки, иситгич коллекторлар қуёш нури ёрдамида сувни керакли даражада иситиб берса, қуёш батареялари офтоб қувватидан электр энергияси ҳосил қилади. Мамлакатимизда йилнинг тўрт фаслида кунларнинг қуёшли бўлиши ушбу қурилмалардан фойдаланиш имконияти кенглигидан далолат беради. Айни пайтда улардан электр энергияси тармоғини тортиш мураккаб бўлган тоғли ва чекка ҳудудлар, чўпон-чўлиқлар хонадонларида кенг фойдаланилмоқда.

«Foton» ОАЖ ходимлари Малайзия, Хитой, Россия, Украина сингари бир қатор давлатларнинг мутахассислари билан ҳамкорликда яна кўплаб лойиҳалар устида ишламоқдалар. Ҳозирда ишлаб чиқарилаётган 21 ва 29 дюйм ўлчамидаги «Foton» ва «Boss» русумли рангли телевизорлар халқаро алоқаларнинг мевасидир. Эътиборлиси, уларнинг 40 фоиз жиҳозлари, хусусан, кенескоп платаси, ўраш қутиларини бевосита корхонанинг ўзида тайёрлаш йўлга қўйилди. Буларнинг бари маҳсулотларнинг сифати юқори, нархи чет давлатлардан келтирилаётган телевизорларга қараганда 30-40 фоиз арзон бўлишини таъминламоқда. Натижада ички бозорда «Foton» маҳсулотлари тобора харидоргир бўлиб бораяпти. Буни 2008 йилнинг 9 ойида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 130 фоиз ўсгани яққол кўрсатиб турибди.

Корхона жамоаси импорт ўрнини босувчи яна кўплаб турдаги маҳсулотлар тайёрлашни ўзлаштириш, ишлаб чиқариш суръатини тобора ошириш мақсадида изланмоқда.

**Саид РАҲМОНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**
**СУРАТЛАРДА:** корхона ҳаётидан лавҳалар.
**Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.**

***Импорт ўрнини босувчи, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналар ўртасида "Наманганмаш" акциядорлик жамиятининг муносиб ўрни бор.***

# Тўққиз ойда 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот

**▼ Интилиш**

Машинасозлар бугунги кунда "Олмалиқ ТМК", Чирчиқдаги "Ўзбеккимёмаш" заводи ОАЖ, "Шўртаннефтгаз", "Навоийазот", "Бекободцемент" сингари йирик ишлаб чиқарувчиларга пўлат ва чўян задвижка ҳамда 32 турдаги металл буюмлар, ускуналарни етказиб беряпти.

Йил бошида мамлакатдаги 17 та йирик корхона билан шартнома тузган акциядорлик жамияти тўққиз ойликда қарийб 1,5 миллиард сўмлик миқдорда маҳсулот тайёрлаб, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 28,4 фоиз ўсишга эришди. Ташқи бозорга эса 90 минг АҚШ доллари миқдорида металл жиҳозлар чиқарилди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# ФАРЗАНДЛАР ЭЪЗОЗДА

***Самарқанд шаҳридаги Меҳрибонлик уйларида «Sen yolg'iz emassan» республика жамоатчилик болалар жамғармаси иштирокида хайрия тадбирлари ўтказилди.***

Мазкур жамғарма ва Халқ таълими вазирлиги вакиллари шаҳардаги бир қатор Меҳрибонлик уйларида бўлиб, тарбияланувчиларнинг таълим олиши, яшаш шароити билан яқиндан танишдилар. Учрашув ва суҳбатларда мамлакатимизда ёш авлоднинг ҳар жиҳатдан соғлом ва баркамол бўлиб вояга етиши йўлида амалга оширилаётган ишлар ҳақида сўз юритилди. Ҳар бир бола давлат ва жамиятимизнинг ғамхўрлиги ва эътиборида эканлиги, уларнинг ижтимоий ҳимояси қонун билан кафолатлангани таъкидланди.

— Биз юртимиздаги Меҳрибонлик уйлари ва мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари ва ногирон болаларни ижтимоий ҳимоя қилиш, уларни қўллаб-қувватлаш каби эзгу мақсад йўлида иш олиб бормоқдамиз, — дейди жамғарманинг ижрочи директори Руслан Мустаев. — Ҳар йили турли хайрия тадбирлари ўтказамиз, Меҳрибонлик уйларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга ҳисса қўшамиз.

Тадбир доирасида шаҳардаги Меҳрибонлик уйларига замонавий техника воситалари, ўқув ва спорт жиҳозлари топширилди. Болажонлар ўзлари тайёрлаган саҳна кўринишлари, шеър, қўшиқ ва рақслар билан меҳмонларни хушнуд этдилар.

— Жамғарма кўмагини тарбияланувчиларимиз доимо ҳис қилиб туради, — дейди Самарқанд шаҳридаги 10-Меҳрибонлик уйи директори Салоҳиддин Латипов. — Ҳар йили жамғарма ташаббуси билан турли хайрия тадбирлари ўтказилади. Жамғарма ёрдами билан собиқ тарбияланувчимиз Сардор Шеров жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицейда, Насиба Худойқулова эса Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида таҳсил олмоқда.

**Ғ. ҲАСАНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

# ЮРТ ҚЎРҒОНИНИНГ УСТУНИ

***Маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари фуқаролар йиғинлари раислари ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови ҳақида суҳбатлашиб ўтирган чоғимиз ходимларимиздан бири қўлида газета билан хонага кириб келди.***

— Мана маҳалла етакчиси қандай бўлиши ҳақида мақола берилибди, — деди у. — Қаранглар, кўнглимиздаги фикрлар айтилибди.

Ҳаммамиз эътиборимизни "Халқ сўзи" газетасининг 2008 йил 28 октябрь сонида чиққан Вафо Латиповнинг "Маҳалла етакчиси" сарлавҳали мақоласига қаратдик. Унда шу кунларда мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайлови, умуман, маҳалланинг янада ривож топишида, одамларнинг бошини қовуштиришда оқсоқол тажрибаси, билими, етакчилик қобилияти муҳим ўрин тутиши ҳақида асосли мушоҳадалар айтилган. Уни ўқиб, биз ҳам мулоҳазаларимизни билдиришга тутиндик. Маҳалла фуқаролар йиғини раислигига кўрсатилаётган номзодларнинг етакчилик қобилияти ҳақида баҳс-мунозара бошланиб кетди.

Дарҳақиқат, бугун ҳамма жойда фуқаролар йиғинлари раислари ва маслаҳатчилари сайловига тайёргарлик кўрилмоқда. Бу жараённинг очиқ, ошкора бўлаётганлиги жуда яхши бўлди. Республика Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг бу ҳақдаги қарори эълон қилинган кундан бошлаб оммавий ахборот воситаларида сайлов ҳақидаги қонунчиликни тушунтиришга қаратилган материаллар бериб борилаяпти.

**▼ Газета ва газетхон**

Бу бежиз эмас. Қишлоққа, маҳаллага ким етакчи бўлади, деган савол ҳаммани қизиқтиради. Оқсоқолнинг фаолияти шу ҳудудда яшайдиган ҳар бир кишига дахлдордир. Агар бизнинг вилоятимизни оладиган бўлсак, 599 та қишлоқ ва маҳалла бор. Қаерда фуқаролар йиғинига обрўли, ишчан, тадбиркор одам раҳбарлик қилаётган бўлса, ўша маҳаллада тинчлик, осойишталик ҳукмрон, кўчалар саранжом-саришта, озода. Ободончилик ҳамманинг ишига айланган. Агар раис сайлашда адашилган бўлса, маҳалла ғалванинг уяси, на фуқаролар йиғини ишида унум бор, на хонадонларда барака бор.

Фан номзоди Вафо Латипов ўз мақоласида масаланинг мана шу жиҳатига эътибор қаратган, батафсил мушоҳада билдирган. Ўрни келганда, ўзимнинг баъзи мулоҳазаларимни ҳам айтмоқчи эдим. Чинданам, фуқаролар йиғини раиси элда ҳурмати бор, ишбилармон одам бўлгани маъқул. Лекин оқсоқол бир киши. У ҳар қанча яхши ишламасин, ҳамма ишга улгурмайди. Унинг атрофидаги маслаҳатчилар, фаоллар бир ёқадан бош чиқариб ишлаши керак. Маслаҳатчилар ҳам кўпни кўрган, бой ҳаётий тажрибага эга инсонлар бўлиши лозим.

Қолаверса, маҳалла аҳлининг ўз етакчилари билан бир тану, бир жон эканлиги, мавжуд муаммоларни ҳамжиҳатликда ҳал этишга бўлган иштиёқи, бир сўз билан айтганда, маҳалла ҳаётига бефарқ бўлмаган фуқароларнинг фаоллиги ҳам аҳамиятга эга. Маҳалланинг ободлиги, осойишталиги учун ҳар бир хонадон соҳиби, ҳар бир фуқаро ўзини масъул деб билиши зарур. Зеро, мана шундай хусусиятга эга маҳалладагина масалалар адолатли ва ўз вақтида ечим топади, қўни-қўшнининг бир-бирига бўлган меҳр-оқибати ошади.

Ҳозир сайловга тайёргарлик бўйича тузилган ишчи гуруҳлари кейинги икки ярим йиллик иш натижаларини таҳлил қилиб, энг яхши номзодларни танлаяпти. Биз жойлардаги ишчи гуруҳлари аъзолари эътиборини масаланинг ана шу муҳим жиҳатларига қаратаяпмиз. Зотан, эрта-индин бошланажак сайловлар мамлакатимизда барпо этилаётган кучли фуқаролик жамиятининг асоси бўлмиш маҳалла, унинг аҳли — барчанинг ҳаётида долзарб аҳамиятга эга.

**Эсонбой РАЖАБОВ,**
**Фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) ва уларнинг маслаҳатчилари сайловини ташкил этиш ва ўтказишга кўмаклашувчи Қашқадарё вилояти комиссияси раиси.**

# МАҚСАД — ИСТЕЪМОЛЧИ МАНФААТИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

ишлар, тадбиркорларга яратиб берилган шарт-шароитлар ҳақида атрофлича маълумот берилди.

— Штрих коди жаҳон бозори сари ташланган дастлабки қадам, — дейди "Ўзбекистон шампани" ОАЖ бош муҳандиси Фаридун Нормуҳаммедов. — Негаки, бу белги маҳсулот кўзгуси. Унда ишлаб чиқарилаётган товарлар сифати аниқ-равшан намоён бўлади. Шу маънода, штрих коди халқаро бозорда маҳсулотнинг харидоргирлигини янада оширади. Бунга корхонамиз фаолияти мисолида амин бўлдик. Биз 1998 йили уюшмага аъзо бўлиб, махсус кодни олганмиз.

Анжуманда истеъмолчилар учун яна бир қулайлик яратилгани ҳақида маълумот берилди. Гап шундаки, "Ucell" уяли алоқа компанияси мижозлари хариди олдидан товарнинг штрих кодини 7711 рақамига "SMS" тарзида жўнатса, зумда ўша маҳсулот ҳақида батафсил маълумот юборилади.

**Р. САИДОВ.**

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Покистонда табиий офат

***Покистоннинг ғарбида Рихтер шкаласи бўйича 6,2 балли зилзила содир бўлди.***



Табиий офат маркази Кветта шаҳридан 70 километр шимолда қайд этилган. Зилзила оқибатида 27 киши ҳалок бўлди, қирққа яқин киши жароҳатланди. Мамлакат расмийларининг маълум қилишича, вайроналар остида яна кўплаб одамларнинг жасади қолиб кетган бўлиши мумкин. Табиий офат Покистоннинг Белужистон музофоти ҳамда Кветта шаҳарларига катта талафот етказган.

Эслатиб ўтамиз, 2005 йилда Покистоннинг шимоли-ғарбида ва Кашмир вилоятида юз берган зилзила 73 минг одамнинг умрига зомин бўлганди.

## Даромаднинг чўғи паст

***Американинг маиший техника воситалари ишлаб чиқарувчи «Whirlpool» компанияси беш минг нафар ходимини ўз вазифасидан озод қилмоқчи, дейилади «Bloomberg» хабарида.***




Маълумотларга қараганда, компания жорий йилнинг учинчи чорагида кутилганидан анча кам даромад қилган.

Яъни, «Whirlpool» ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 175 миллион АҚШ доллари миқдорида кам фойда кўрган. Бундан ташқари, компания акциялари ҳам 2007 йилнинг шу даврига қараганда 39 фоизга тушиб кетган.

Айтиш жоизки, «Whirlpool» компаниясига 1911 йилда асос солинган бўлиб, бугунги кунда унда 73 минг ходим фаолият кўрсатади.

## Жангарилар йўқ қилинди

***Доғистонда ҳуқуқ-тартибот идоралари хизматчилари ва жангарилар ўртасида қуролли тўқнашув бўлиб ўтди. Бу ҳақда «Интерфакс» ахборот агентлиги хабар тарқатди.***



Милиция шубҳали машинани текширувдан ўтказмоқчи бўлган. Шу вақтда автоуловдагилар қурол билан қаршилик кўрсатишган. Натижада отишма юзага келган ва унда уч нафар жангари йўқ қилинган. Уларнинг ёнидан иккита автомат ва гранатомёт далилий ашё сифатида олинган.

Ҳозирча жангариларнинг шахси аниқланмаган. Қуролли тўқнашувда ҳуқуқ-тартибот идоралари вакилларидан ҳеч ким жароҳатланмаган.

## Об-ҳаво қийинчилик туғдирди

***АҚШнинг шимоли-шарқий ҳудудларида кучли қор ёғмоқда.***



«АР» хабарида келтирилишича, ноқулай об-ҳаво шароити мамлакатнинг Пенсильвания, Нью-Жерси ва Нью-Йорк штатлари аҳолисига катта қийинчилик туғдирди. Мазкур жойларда 100 мингдан ортиқ бино электр таъминотдан узилиб қолган. Бу борадаги аҳвол, айниқса, Нью-Жерси штатида жиддий тус олган. Жумладан, штатда 67 минг хонадон электр манбаидан фойдалана олмаяпти. Кучли эсаётган шамол туфайли Нью-Йорк ва Нью Жерси штатларидаги аэропортларда парвозлар вақтинча бекор қилинди.

## Иқтисодий зарар кўрди

***Япониянинг йирик молия муассасаларидан бири — «Nomura Holdings» банки катта миқдорда иқтисодий зарар кўрди.***



«France Presse» ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, банк шу йилнинг мартидан август ойига қадар бўлган даврда 149,5 миллиард иена (1,57 миллиард АҚШ доллари) миқдорида зиён кўрган. Шундай бўлса-да, бу ҳолат банк фаолиятига жиддий салбий таъсир кўрсатмади. Манбаларда «Nomura Holdings» Осиё, Европа ва Американинг бир қатор инқирозга учраган банкларига сармоя киритишда иштирок этаётгани келтириб ўтилган.

## Кимё заводида портлаш

***Эстониянинг Таллин шаҳридаги «Krimelte» кимё заводида портлаш юз берди.***



«Postimees» хабарида келтирилишича, портлаш корхонанинг ишлаб чиқариш бўлимида рўй берган. Натижада икки нафар ишчи ва бир қутқарувчи енгил тан жароҳати олган. Корхона электр тармоғидан узилиб қолган.

Портлаш нима сабабдан содир бўлгани ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. «Krimelte» кимё заводи пайвандлашда ишлатиладиган кўпиклар ишлаб чиқаришга ихтисослашган эди.

***Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.***

# ЎҚИТУВЧИ ЭКАНЛИГИМДАН ФАХРЛАНАМАН

***Мамлакатимиз тараққиётида малакали кадр, юксак заковатли мутахассисларнинг ўрни беқиёс. Шу боис, мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ таълим тизимини тубдан ислоҳ қилиш, ёш авлодни ҳар томонлама етук, баркамол этиб тарбиялаш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланди. Юртбошимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилаётган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури мазкур тизимда туб ислоҳотларни самарали амалга ошириш имконини яратди. Бу эса, ўз ўрнида, таълим сифатига ижобий таъсир кўрсатмоқда.***

Очиғи, бир вақтлар ўқитувчиман дейишдан ийманардик. Бу ўсмир-йигит қизларнинг азиз умри беҳуда ўтаётганидан ўксиниш эди, аслида. Ўқув даргоҳларимизга бирор меҳмон келса, хижолатдан ер чизиб қолардик. Чунки мактабнинг кўриниши ниҳоятда хароб эди. Коллеж ёки лицей нима — мутлақо билмасдик.

Президентимизнинг ёш авлодга чексиз меҳри туфайли бундай нохуш манзаралар тарих бўлиб қолди. Юртимизда ҳашаматли касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар қад ростлаяпти, мактаблар янгиланаяпти. Энг муҳими, эндиликда ўқувчилар дарсларни нафақат ўқитувчиларнинг маърузаларини тинглаш, шу билан бирга, замонавий ўқув жиҳозлари, компьютерлар орқали ҳам сабоқ олаяптилар.

Ўқувчилар ҳаётида хорижий тилларни пишиқ-пухта эгаллаб, ўз устида тинимсиз меҳнат қилиш асосий машғулот, одатий ҳолга айланган, десак ҳеч муболаға бўлмайди. Бунга маҳоратли, малакали ўқитувчи-мураббийларнинг меҳнати давлат миқёсида қадрланиши жуда муҳим аҳамият касб этмоқда. Умуман, истиқлол йилларида Юртбошимиз ташаббуси билан таълим-тарбияга муносабат, ўқитувчига нисбатан ихлос тубдан ўзгарди. Давлатимиз раҳбарининг "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари ходимларини моддий рағбатлантиришни кучайтириш ва улар

### Дил сўзи

меҳнатига ҳақ тўлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳам касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлардаги дарс сифатини яхшилаш, энг асосийси, ўқитувчи меҳнатига бўлган юксак эътиборнинг ёрқин ифодасидир. Бундай эътибор узлуксиз таълим тизимида кенг қамровли, изчил ва тадрижий ислоҳотларни амалга оширишда беқиёс аҳамиятга эга.

Яқинда пойтахтимизда ўтказилган нуфузли анжуманда юртимизнинг турли гўшаларида ишлаётган ўқитувчилар билан учрашдик. Ўзаро мулоқот чоғида ўз касбидан мамнунлик туйғуси барчамизнинг чеҳрамизда акс этиб турарди. Ўқитувчи, устоз деган номлар ўз шони, шарафини оқлаётганига яна бир карра амин бўлдим. Буларнинг барчаси, аввало, миллат тарбиясига эътибор эканлигини унутмаслигимиз лозим.

Инсон, у қайси соҳада фаолият кўрсатмасин, фидойи бўлмаса, кўзлаган мақсадига эришиши қийин. Жонкуяр, билимдон, юксак ақл-заковатли мутахассислар эса соҳа ривожига улкан ҳисса қўшишлари турган гап. Шунга кўра, энди ўқитувчилар ўз қобилиятларини тўла ишга солишади, касбий маҳоратларини янада такомиллаштирадилар.

Шундай дориломон кунларда яшаётганимдан, истиқлол фарзандларига сабоқ бераётганимдан фахрланаман. Яқиндагина ўқитувчи ва мураббийларимизнинг касб байрами нишонланди. Бутун мамлакат узра ўзгача файз ила тантана қилинган ушбу кун ҳеч биримизнинг ёдимиздан чиқмаса керак. Зеро, истиқлол шарофати боис анъанага айланган ушбу байрам мураббийларга, фидойи муаллимларга бўлган юксак эҳтиром рамзидир.

Истиқлол шарофати билан бугун ўқитувчининг қадри, обрў-эътибори жуда баланд. "Модомики, илм-зиё аҳли биздан кўра кўпроқ биладиган, узоқни кўрадиган, теранроқ англайдиган кишилар экан, демак, уларнинг жойи тўрда бўлиши керак", дея Юртбошимизнинг ўзлари устозларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатмоқдалар.

Дарҳақиқат, бугун ўқитувчи эъзозда. Бизга бўлган бундай юксак эътибор ва ҳурмат ҳар бир ўқитувчида ўз касбига, халқига, Ватанига чуқур муҳаббат туйғусини жўш урдириб, юрт тараққиёти юксалишида битмас-туганмас куч-қудрат ато этади.

**Назокат ҲУСАНОВА,**
**Тошкент банк-ҳисоб-кредит коллежи ўқитувчиси.**

# СОЛИҚ ИМТИЁЗИ — ТАРАҚҚИЁТ ГАРОВИ

***Бугун мамлакатимиз иқтисодиётининг асосий таянчига айланаётган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга қаратилган ислоҳотлар изчиллик билан давом эттирилмоқда. Уларнинг эркин ишлаши учун қулай муҳит яратилаётгани, жумладан, тадбиркорлар фаолиятига четдан аралашишларнинг кескин камайтирилаётгани, солиқ бўйича кўплаб имтиёзларнинг жорий этилаётгани ютуқларнинг асосий омили бўлиб хизмат қилмоқда.***

Вазирлар Маҳкамасининг тўққиз ой якунлари муҳокамасига бағишланган мажлисида таъкидланганидек, тадбиркорликни рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, солиқ юкини камайтириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижаси ўлароқ, ялпи ички маҳсулотда кичик бизнес салмоғи ўтган йилнинг шу давридаги 43,1 ўрнига 45,3 фоизга ошди. Бу сўнгги йилларда даромад солиғи 38 фоиздан 10 фоизга, ягона ижтимоий тўлов 40 фоиздан 24 фоизга, кичик бизнес субъектлари ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун ягона солиқ 10 фоизга туширилганининг самарасидир. Қатрада қуёш акс этгани каби, бу ўзгаришлар Юнусобод

### Ислоҳот

тумани мисолида ҳам намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда туманимизда 5899 та тадбиркорлик субъекти рўйхатга олинган бўлиб, улардан 932 таси имтиёзлардан фойдаланмоқда. Айниқса, бунда Маҳаллийлаштириш дастурига биноан фаолият олиб бораётган корхоналар, аудит ва уй-жой мулкдорлари ширкатлари асосий ўрин эгаллайди. Жорий йилнинг ўтган даврида ушбу корхоналарга 17 миллиард 421 миллион сўмдан ортиқ имтиёзлар қўлланилди. Бу шунча маблағ корхоналар ҳисобида қолди, деганидир.

**Олмос МАҚСАДОВ,**
**бўлим бошлиғи.**




«ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ» АК

«ТОШКЕНТ ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ» ФИЛИАЛИ МАРКАЗИЙ ТЕЛЕФОН БОҒЛАМАСИ

қуйидаги манзилларда истиқомат қилувчиларни ва корхоналарни телефон ўрнатиш учун таклиф қилади:

- Юнусобод тумани, Миркаримов кўчаси (собиқ Башкирская), 9-уй.
- Бодомзор йўли кўчаси, 1-2-3-уйлар.
- Низомий кўчаси, 57, 59-уйлар.
- Амир Темур шоҳкўчаси — Чинобод кўчаси, 1, 2, 3, 4, 5, 10-уйлар.
- Янги Тарнау кўчаси жуфт тарафи 2 дан 30 гача бўлган уйлар.
- Юнусобод тумани, Мусаев кўчаси.
- Юнусобод тумани, Бодомзор 10-тор кўчаси.
- Юнусобод тумани, Деҳқонов кўчаси.
- Юнусобод даҳаси, 2-мавзе, 23, 2, 21-уйлар.
- Юнусобод даҳаси, 3-мавзе, 3, 4, 6-уйлар.
- Юнусобод даҳаси, 4-мавзе, 50, 54, 61-уйлар.
- Юнусобод даҳаси, 5-мавзе, 12-уй.
- Юнусобод даҳаси, 6-мавзе, 36, 42, 43-уйлар.
- Юнусобод даҳаси, 9-мавзе, 15-«А» уй.
- Юнусобод даҳаси, 10-мавзе, 6, 7, 8-уйлар.
- Юнусобод даҳаси, 11-мавзе, 19, 21, 39, 40, 42, 45, 46-уйлар.
- Юнусобод даҳаси, 12-мавзе, 6, 2, 21-уйлар.
- Юнусобод даҳаси, 13-мавзе, 36, 38, 39, 40, 41, 42, 43, 44, 45, 46, 47, 53, 54, 58, 59, 60, 61, 62, 63-уйлар.
- Юнусобод даҳаси, 15-мавзе, 58, 66-уйлар.
- Юнусобод даҳаси, 17-мавзе, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 20, 21, 22-уйлар
- Юнусобод даҳаси, 19-мавзе, 1, 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12, 13, 30, 31, 43-уйлар.
- Мирobод тумани, Нукус кўчаси, 2-уй.
- Ҳамза тумани, Элбек кўчаси, 1-2-уйлар.
- Яхё Ғуломов кўчаси, 70-уй.
- С.Азимов кўчаси, 72-«А» уй.
- Амир Темур шоҳкўчаси (собиқ Мовароуннаҳр), 33-уй.
- Истиқбол кўчаси, 43-уй.
- Амир Темур шоҳкўчаси (собиқ Мовароуннаҳр), 43-уй.
- Марказ-4, 12, 13, 14, 15, 16, 17, 18, 21, 22, 23-уйлар.
- Марказ-2, 5, 6, 7, 8, 11, 12, 13, 15, 16, 17, 18, 21, 23-уйлар.
- Ҳ.Олимжон кўчаси, 5-уй.
- Марказ-1, 1, 3, 4, 5, 6, 8, 9, 11, 12, 14, 15, 16, 17, 18, 19, 23, 25, 26, 27, 28, 29, 30, 31, 49, 54-уйлар.



*Телефонларни расмийлаштириш учун Марказий телефон боғламаси мижозларга телекоммуникация хизматларини кўрсатиш бўлимига фуқаролар паспорт билан, корхоналар эса ўрнатилган тартибда хат орқали мурожаат қилишлари лозим.*

Манзил: Кичик ҳалқа йўли кўчаси, 2-уй.
Телефон: 230-55-50.

1655R/770



АБУ РАЙҲОН БЕРУНИЙ номли

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ



қуйидаги ихтисосликлар бўйича докторантура ва аспирантурага ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

ДОКТОРАНТУРА

04.00.06 — Гидрогеология
04.00.11 — Рудали ва норуда конларнинг геологияси, уларни қидириш ва разведка қилиш; металлогения
05.13.01 — Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш
05.17.08 — Кимёвий технология аппаратлари ва жараёнлари

АСПИРАНТУРА

*Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун*

01.04.04 — Физик электроника
01.04.10 — Ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси
04.00.06 — Гидрогеология
05.02.01 — Машинасозлик материалшунослиги (тармоқлар бўйича)
05.02.04 — Машиналарда ишқаланиш ва ейилиш
05.02.08 — Машинасозлик технологияси
05.03.05 — Босим билан ишлов бериш жараёнлари ва машиналари
05.03.06 — Пайвандчилик технологияси ва машиналари
05.09.05 — Назарий электр техника
05.11.13 — Табиий муҳит, моддалар, материал ва буюмларни назорат қилиш асбоблари ва усуллари
05.13.01 — Тизимли таҳлил, бошқарув ва ахборотни қайта ишлаш
05.13.05 — Ҳисоблаш техникаси ва бошқарув тизимларининг элементлари ва қурилмалари
05.13.07 — Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича)
05.13.13 — Ҳисоблаш машиналари, мажмуалари, тизимлари ва тармоқлари
05.14.02 — Электр станциялар (электр қисми), тармоқлар, электр энергетика тизимлари ва уларни бошқариш
05.14.10 — Гидроэлектр станциялар ва гидроэнергетик қурилмалар
05.15.01 — Маркшейдерия
05.15.06 — Нефть ва газ конларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш
05.17.04 — Оғир (ёки асосий) органик синтез маҳсулотлари технологияси
05.17.08 — Кимёвий технология аппаратлари ва жараёнлари
05.20.04 — Қишлоқ хўжалик ва гидромелиорация машиналари
07.00.02 — Ўзбекистон тарихи
08.00.01 — Иқтисодий назария
08.00.03 — Индустриал тармоқлар иқтисодиёти
08.00.13 — Менежмент ва маркетинг
09.00.03 — Фалсафа тарихи

*Докторантура ва аспирантурага кирувчилардан ариза ва ҳужжатлар 2008 йил 5 ноябргача қабул қилинади.*

Маълумот олиш учун аспирантура бўлимига: Тошкент шаҳри, Талабалар шаҳарчаси, ТошДТУнинг бош биноси, 413-хонага мурожаат қилинг.
Телефон: 227-19-47, ички телефон: 236.



РАСМИЙ ЭКСПОРТЧИ ДИЛЕР —
«GRAND MOTORS» МЧЖ
TOYOTA ва LEXUS
русумли автомобилларни сотади ҳамда сервис хизмати кўрсатади.



Кафолат:
TOYOTA — 12 ой ёки йўл босиши 30 минг км.;
LEXUS — 24 ой ёки йўл босиши 50 минг км.
Тўлов шакли — турлича. Лизинг.
Автосалон манзили: Тошкент ш., Беруний к., 2-уй.
Тел./факс: 129-10-23 (24), моб. (+99897) 753-33-33.
E-mail: grandmotorsuz@gmail.com
МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.
DRIVE YOUR DREAM
1340R/1386



"TOSOL-N" МЧЖ
Маҳсулот сертификатланган
ИЧКИ ЁНИШ ДВИГАТЕЛЛАРИ УЧУН
ОЖ русумли совитувчи суюқлик — антифриз ишлаб чиқаради «TOSOL- А30 ,А40, А65, TOSOL- АМ концентрат»
Мазкур маҳсулот этиленгликоль асосида тайёрланади, шунингдек, ASTM 3306-79 (АҚШ) антифризига ўхшайди ва металлга камроқ занглатувчи таъсир кўрсатиш хусусияти билан ажралиб туради. Маҳсулот мижознинг хоҳишига қараб 5 кг, 10 кглик идишлар ва 200 литрли бочкаларга қадоқланади
ТЎЛОВ УСУЛИ — НАҚД ПУЛСИЗ ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ЙЎЛИ БИЛАН
Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Исмоил ота кўчаси, 1-уй.
Тел.: 300-64-14, 140-03-81, 268-14-26, 127-92-42



ООО "Росагропромснаб" предлагает:
СЧЕТЧИКИ ГАЗА
ультразвуковые "Гобой-1"
Цена - от 1 300 000 сум.



ОТКРЫТОЕ АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО ТЕПЛОПРИБОР

| Ду, мм | Типоразмер | Мин. расход, Qмин, м³/час | Максим. расход, Qмин, м³/час |
|---|---|---|---|
| 25 | G10 | 0,16 | 16(25) |
| 40 | G25 | 0,40 | 40(65) |
| 65 | G65 | 1,00 | 100(160) |

На все поставляемые товары имеются сертификаты соответствия. Гарантийный срок на продукцию–12 месяцев со дня установки. Отдельно предприятие поставляет краны, отводы, задвижки и фильтры различных диаметров.
Т./ф.: 273-16-40, 276-91-87
Адрес: г. Ташкент, Чиланзар, кв-л Ц, д. 6 (ор-р - перекресток "Шухрат")
Товар сертифицирован



"INTEGRAL ASIA"
17" мониторли
Р4 компьютерлари



Пул ўтказиш йўли билан ҳамда кредит асосида сотилади.
«Актив инвест» кредит иттифоқи кўмагида.
Тошкент ш., Фарғона йўли к., 13/12,
тел.: 124-30-27, 120-30-27, 120-30-28,
факс: 120-30-26.
Товар сертификатланган.
e-mail: sale@onlineuz.net
www.integr-asia.com



«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
236-09-25
232-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru


Ўзбекистон Республикаси давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси раҳбарияти ва жамоаси Тошкент шаҳар давлат архитектура ва қурилиш назорати инспекцияси бошлиғи Тўлаган Набиевга укаси

**Туроб ЯКУБОВнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Абдулла Қаҳҳор номидаги республика Сатира театри жамоаси театр актрисаси Амина Ибатулинага онаси

**Мафтуха Лутфираҳмон қизи ИБАТУЛИНАнинг**

вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Сирожиддин САЙИИД,
Ўзбекистон халқ шоири.

Шеърият дафтаридан

# ВАТАНИМ

*Бобожонимнинг Ватани,*
*Отажонимнинг Ватани,*
*Болажонимнинг Ватани.*
*Кўксимни тоғ қилиб юрдим-ай,*
*Болталар кесмаган муртим-ай.*
*Онажонимсан сен ўзинг,*
*Қошу кўзимсан, юртим-ай.*

*Ой десам, ойларинг синглимдай,*
*Кун десам, кунларинг кўнглимдай.*
*Номингни айтсам — олам аро*
*Тоғ топилмагай кўксимдай.*

*Бургутлар мисоли учдим-ай,*
*Осмонларингни қучдим-ай,*
*Тупроғингга топиндим мен,*
*Шундадир етти пуштим-ай.*

*Нур олган сендан Ер юзи,*
*Уфқларинг — қирмизи.*
*Ер юзига ҳикмат эккан*
*Бухорий бобо, Термизий.*

*Дилдаги меҳр ила шафқатим,*
*Қуёшли қўрғоним, давлатим.*
*Сўнмаган ғурурим сен ўзинг,*
*Сен ўзинг шон ила шавкатим.*

*Бобожонимнинг Ватани,*
*Отажонимнинг Ватани,*
*Болажонимнинг Ватани.*
*Кўксимни тоғ қилиб юрдим-ай,*
*Болталар кесмаган муртим-ай.*
*Онажонимсан сен ўзинг,*
*Қошу кўзимсан, юртим-ай.*

* * *

*Шабнам -шабнам тонгларда*
*жайронларга айланган,*
*Онанг сувлар сепганда*
*райҳонларга айланган,*
*Бир кечада соғинчинг*
*осмонларга айланган,*
*Соғинчларингдай зангор*
*осмонлари Ватандир.*

*Дерлар ҳусну малоҳат*
*вафо қилмас, арир у.*
*Сен ёр десанг, тушдаги*
*Лайлоларга арзир у,*
*Ҳарирдан ҳам ҳариру*
*паридан ҳам парирў,*
*Сойларга соя солган*
*мижгонлари Ватандир.*

*Бешикларда ўйнаган*
*оппоқ-оппоқ қўлчалар,*
*Кўзмунчоққа сўйлаган*
*кўзмунчоқдай кўзчалар,*
*Очилган гул-ғунчалар,*
*қанду асал кулчалар,*
*Момоларинг тўй қилган*
*айвонлари Ватандир.*

*Отанг солган уйлар бу —*
*синчлари — бардошларга,*
*Тоқлари ўхшаб кетар*
*мўйсафид элдошларга,*
*Томлар узра чўзилиб*
*кўклар, ой, қуёшларга*
*Узум узатиб турган*
*нарвонлари Ватандир.*

*Бир йигитга оламда*
*ҳам ёру ҳам ор керак,*
*Номуси баланд эрга*
*на сўз, на гуфтор керак,*
*Фарзандлари улғайса*
*шерюрак, арслонюрак,*
*Элнинг ҳар они, даврy*
*давронлари Ватандир.*

*Оллоҳ ўзи буғдойинг —*
*тиллоларга еткизгай,*
*Қабоғингнинг остидан*
*балоларни кеткизгай.*
*Оқсарою Кўксарой*
*дунёларга еткизгай,*
*Ор-номусдан яралган*
*қўрғонлари Ватандир.*



***Кеча пойтахтимиздаги муҳташам "Истиқлол" санъат саройида жаҳон эстрадасининг ёрқин юлдузларидан бири, таниқли эрон хонандаси Андининг концерти бўлиб ўтди. "Ўзбекистон — Буюк Ипак йўлида" лойиҳаси доирасида ташриф буюрган хонанда концерт олдидан "Халқ сўзи" газетаси учун махсус интервью берди.***

## Анди: ЎЗБЕКИСТОНГА ҲАММА ҲАВАС ҚИЛАДИ

Бизнинг интервью

**— Юртимизга хуш келибсиз!**

— Ташаккур! Ўзбекистон мен учун ниҳоятда азиз юрт. Бу ерга келсам, юртдошларим, яқинларим даврасидагидек эркин юраман. Қўшиқларимни севиб тинглайдиган ўзбек мухлислари борлигидан эса ҳамиша фахрланаман. Юртингизнинг табиати, суви, тупроғи бетакрор. Бу заминда донғи оламга достон алломалар, санъаткорлар, олиму фузалолар, шоирлар етишиб чиққан. Бугунги кунда ҳам бу хислат авлоддан-авлодга ўтиб келаётганини кўриш мумкин. Бу бежиз эмас. Ўзбекистонда ёшларни қўллаб-қувватлаш, санъатни ривожлантиришга юксак эътибор қаратилаяпти. Бунга бошқа мамлакатларнинг истеъдодлари жуда-жуда ҳавас қилишади.

**— Концерт дастурингиз, умуман, ташриф ҳақида тўхталсангиз.**

— Албатта, янги концерт дастури тайёрлаб келганман. Шу билан бирга мухлислар талабини ҳам қондирамиз, яъни улар қалбидан жой олган хонишларимизни ҳам ижро этамиз. Аввал Тошкентда, кейин эса афсонавий шаҳарлар — Самарқанд ва Бухорода концерт берамиз. Бундан ташқари, қутлуғ манзиллар — Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ал-Бухорий (меҳмон буюк муҳаддис номини тўлиқ айтди!), Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Шоҳи Зинда каби қадамжоларни ҳам зиёрат қилмоқчиман. Чунки Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Президент Ислом Каримов ташаббуси билан бу каби улуғларнинг сўнгги маконлари эъзозланиб, зиёратгоҳга айлантирилганлигини Интернет орқали билиб олганман. Шунинг учун ҳам қизиқишим катта. Яна бир гап. Бозорларни алоҳида айланмоқчиман. Юртингиз бозори дунёнинг ҳеч бир мамлакатида учрамайди. Бу қадар тўкинлик фақат осудалик, файзу баракот ҳукмрон юртда бўлади. Ширидан шакар мевалар, қовун-тарвузлардан тўйиб-тўйиб баҳра олмоқчиман...

**— Концерт дастурингизда ўзбекча қўшиқ ҳам янграйдими?**

— Тошкентга бундан беш йил илгари, 2003 йилда келганимда учтўртта ўзбек мумтоз қўшиқларини тинглагандим. Концертларимда шулардан бирини ижро этаман. Ўйлайманки, янги дастур ўзбекистонлик мухлисларимизга маъқул келади...

**«Халқ сўзи» мухбири**
**Мақсуд ЖОНИХОНОВ**
**суҳбатлашди.**

Спорт ● Sport ● Спорт

## Спортчиларимиз XIX Гелиополис халқаро мусобақасида муваффақиятли иштирок этди

***Қоҳирада сув полоси ва синхрон сузиш бўйича ўтказилган XIX Гелиополис халқаро мусобақаси 25 октябрь куни ниҳоясига етди.***



Эркаклар ўртасида бўлиб ўтган сув полоси мусобақаларида Наманганнинг «Динамо» жамоаси муваффақиятли иштирок этди.

Юртимиз спортчилари Мисрнинг «Гелиополис-2» ва Кувайт жамоаларини мағлубиятга учратиб, ярим финалга чиқди. Бироқ ярим финалда Мисрнинг «Гелиополис» жамоасига имконият бой берилди, учинчи ўрин учун бўлган учрашувда эса Венгрия жамоаси устидан ғалаба қозонилди.

Ўзбекистон жамоаси имкониятлари кўпгина спорт мутахассис ва шарҳловчилари томонидан юқори баҳоланди. Улар юртимиз спортчилари бундай маҳорат ва салоҳият билан келгусида мусабақа ғолиблигига асосий даъвогарлардан бири бўлишига шубҳа йўқ эканлигини қайд этишди.

**«Жаҳон» АА,**
**Қоҳира**

## Дунё полвонларини чорламоқда



***Жорий йилнинг 12-17 ноябрь кунлари Туркиянинг Истамбул шаҳрида ўзбек спорти — кураш бўйича ёшлар ўртасида V жаҳон чемпионати ҳамда Кураш халқаро ассоциациясининг навбатдаги Конгресси ва Ижроқўм йиғилишлари бўлиб ўтади.***

Кеча Кураш халқаро ассоциациясида уюштирилган матбуот анжуманида шу ҳақда оммавий ахборот воситалари ходимларига батафсил маълумот берилди.

Дастлаб, КХА бош котиби Умид Ёқубов кураш 2009 йили Осиё Олимпия кенгаши тизимида ўтказиладиган иккита қитъавий ўйинлар дастуридан жой олганлиги муносабати билан барчани қутлади. Курашимизнинг Таиландда якка кураш спорт турлари бўйича биринчи, Вьетнамда ёпиқ иншоотларда бўладиган учинчи Осиё ўйинлари дастурига расмий спорт тури сифатида киритилиши халқимизнинг ютуғидир, деди у.

Истамбулда дунёнинг 60 дан ортиқ мамлакатидан келган 250 нафардан зиёд ёш полвонлар 14 вазн (ўғил болалар 7, қизлар 7) тоифасида медаллар учун кураш олиб борадилар. Конгресс йиғилишида КХАга аъзо бўлиш истагини билдирган Хитой, Ироқ, Германия, Таиланд каби жами ўн бешта давлат аризалари ўрганиб чиқилади.

Ижроқўм йиғилишида эса 2009 йил катталар ўртасида ўтказиладиган VII жаҳон чемпионатига мезбонлик қиладиган давлат номи аниқланади. Эслатиб ўтамиз, ҳозиргача Греция, Жанубий Африка Республикаси, Украина, Қозоғистон, Ҳиндистон ва Эрон давлатлари жаҳон чемпионати мезбонлигига даъвогарлик қилишмоқда.

## ТУРНИР ЯКУНЛАНДИ

***Пойтахтимиздаги "Чиғатой" футбол марказида О. Акбаров хотирасига бағишланган IV анъанавий мини футбол турнири якунланди.***

"Спорт" ва "Ўзбекистон футболи" газеталари соврини учун ташкил этилган мазкур турнирда мамлакатимиз марказий оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган журналистлардан тузилган йигирмата жамоа ғолиблик учун куч синашди.

Ижодкорлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ҳамкорликни мустаҳкамлаш, футболимиз ривожига муносиб ҳисса қўшган инсонлар ибратли ҳаётини тарғиб этишга хизмат қиладиган мазкур турнирда «Ўзбекистон овози» газетаси жамоаси ғолиб чиқди. Кейинги ўринлар Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети ва «Ўзбекистон футболи» газеталари жамоаларига насиб этди.

**Х. САЛИМОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Олмалиқликлар кубок соҳиби

***Тошкент вилоятининг Олмалиқ шаҳрида волейбол бўйича Ўзбекистон кубоги мусобақалари бўлиб ўтди.***

Ҳал қилувчи беллашув Самарқанднинг "УЗИ Самарқанд-Телеком" ва Олмалиқнинг ОТМК жамоалари ўртасида кечди. Қизғин курашлар остида ўтган ўйинда ОТМК волейболчилари 3:0 ҳисобида ғалаба қозониб, тўртинчи бор Ўзбекистон кубоги соҳибига айланишди.

### Осиё чемпионати яқин

***Яна саноқли кунлардан сўнг Малайзияда аёллар футболи бўйича Осиё чемпионати бошланади.***

Қуръа натижаларига кўра, вакилларимиз "В" гуруҳида Хитой, Ҳиндистон ва Хитой Тайпейи давлатлари терма жамоаларига қарши кураш олиб боради. Ҳозир ҳамюртларимиз сўнгги ўқув-йиғин машғулотларини олиб боришмоқда.




## Роналдунинг парвози

Халқаро профессионал футболчилар федерацияси (FIFPro) томонидан ўтказилган сўровномада "Манчестер Юнайтед" ва Португалия терма жамоаси ярим ҳимоячиси Криштиану Роналду 2007/2008 мавсумда дунёнинг "Энг яхши футболчиси", деб эътироф этилди. Маълумки, FIFProга сайёрамиздаги 57,5 минг нафар футболчи аъзо бўлган.

Эслатиб ўтамиз, Роналду ФИФА версияси бўйича ҳам жаҳоннинг "Энг яхши футболчиси" номинациясига асосий даъвогар ҳисобланади.

**З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.**

Спорт ● Sport ● Спорт


## Қаршида МТСнинг янги офиси очилди

***МТС компаниясининг Қарши шаҳрида янги офиси очилди. У Ўзбекистон кўчаси, 221-уйда жойлашган. Энди компаниянинг Қашқадарё филиалидаги барча абонентларига янги, қулай ва МТСнинг умумий услубида безалган мазкур офисида хизмат кўрсатилади.***

Офис 4 қаватли бинонинг биринчи қаватида бўлиб, умумий майдони 500 кв. метрга тенг. Бу ерда мижозларга юқори даражада хизмат кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган. Иш жойлари керакли замонавий техника билан таъминланган.

Бутун Ўзбекистон бўйлаб МТСнинг янги офисларини ишга тушириш ОАЖ «МТС» стратегиясининг бир қисми бўлиб, у МТС гуруҳлари умумий стандартларига мувофиқ абонентларга хизмат кўрсатиш сифатини оширишга қаратилган.

Янги офиснинг очилиши ҳақида «Уздунробита» ХКси бош директорининг сотув ва абонентларга хизмат кўрсатиш бўйича ўринбосари Нуриддин Шодмонов шундай деди: «Қаршида МТСнинг янги офиси очилиши сотув ва абонентларга хизмат кўрсатиш офисларини янгилаш борасида олиб бораётган ишларимизнинг навбатдагиси бўлди. 2007-2008 йилларда компаниямиз республикамизнинг барча вилоятларида янги офисларни фойдаланишга топширди. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда МТСнинг барча офислари умумий корпоратив усулда безатилган бўлиб, уларда ташриф буюрувчилар учун ҳам, офис ходимлари учун ҳам қулай шароитлар яратилган».

*Қўшимча ахборот учун «Уздунробита» ХК маркетинг департаментига мурожаат қилинг.*

**E-mail: pr@mts.uz**



МИНСК АВТОМОБИЛЬ ЗАВОДИ



«МАЗ» русумли, юк ва йўловчи ташувчи автомобилларни (автобусларни) ва улар негизида тайёрланган махсус техникаларни (кранлар, бетонқорғичлар, экскаваторлар, ёнилғи ташувчиларни) таклиф этади.

МИНСК АМКОДОР ЗАВОДИ



(Минск шаҳридаги собиқ «СоюзДорМаш» ва «Ударник» заводлари) «Амкодор» русумли фронтал юклагичларни (ТО-18К, ТО-18Б...), йўл қурилиш, коммунал, ўрмон, қишлоқ хўжалиги (МТЗ трактори негизида) техникалари ва махсус техникаларни таклиф этади.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Бунинг учун Минск шаҳрига боришингиз шарт эмас, фақат Тошкентдаги расмий вакилимиз — «O'zbekMAZservis» қўшма корхонасига мурожаат қилсангиз, бас.

«МАЗ» ВА «АМКОДОР» ТЕХНИКАЛАРИГА СЕРВИС ХИЗМАТИ КЎРСАТИЛАДИ.

Манзил: 100005, Тошкент ш., Миробод тумани, «8 Март» к., 57-уй. Телефон/факс: 291-64-06, 291-68-94. E-mail: UzbekMAZservice@mail.ru






Халқаро альтернатив қўнғироқлар

Барча қитъаларга қўнғироқлар*

Альтернатив теришда ягона тариф

000 + халқаро форматдаги абонент рақами

$0,99 (бир дақиқа учун)

Изоҳ:
*Барча мамлакатларга қўнғироқлар қилиш мумкин (МДҲ, Валлис/Футуна, Вануату, Шарқий Тимор, Гвинея-Биссау, Гренландия, Гуантанамо, Диего Гарсия, Кирибати, Шимолий Корея, Куба, Науру, Ниуе ороли, Ав. Елена ороли, Асунсьон ороллари, Кук ороллари, Фолкланд ороллари, Палау, Папуа Янги Гвинея, Сан Том, Сурия, Соломонов ороллари, Сомали, Токелау, Тувалу ва йўлдош алоқа операторлари бундан мустасно).

Барча тариф режаларида (RED ва TIMEдан ташқари) халқаро алоқа нархига абонентнинг қўнғироқ қилиш вақтидаги ўрнатилган хизмат режасига мувофиқ эфир вақти нархи қўшилади.

МТС абонентлари учун:
- энди «GOOD'OK» хизмати Андижон, Наманган, Фарғона вилоятларида ҳам ишга туширилди.

Батафсил: 0890 моб. тел: (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09 www.mts.uz / wap.mts.uz
Тўловлар сўмда УзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Уздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади.
Хизматлар лицензияланган

МТС алоқа оператори



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 956. 25961 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — Г. Йўлдошева.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.10 Топширилди — 22.00 7